

«ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ» ТУШУНЧАСИННИГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС СТРАТЕГИЯСИНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Мансурова Музофарра Махсудовна –

Сам ИСИ Ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада “таълим хизматлари” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мөҳияти ҳамда унинг жамият тараққиёти ва глобал ўзгаришлар шароитидаги аҳамияти кўриб чиқилади. Ҳозирги замон шароитида таълим нафақат мазмун жиҳатдан, балки инсон капитали ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида таълим хизматларининг ўрни ва роли нуқтаи назаридан ҳам трансформация қилинмоқда. Мақолада таълим тизимини ислоҳ қилиши зарурлигига эътибор қаратилган. Чунки тез ўзгараётган дунёда билим ва кўникмалар иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ҳаракатчанликнинг асосий ресурсига айланмоқда. Мақоланинг асосий хуносалари шундан иборатки, III-Ренессанс стратегиясини самарали амалга ошириш учун таълим хизматлари фақатгина билим олиши воситаси сифатида эмас, балки мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятни яхшилашга хизмат қилувчи муҳим омил,adolatli va samarali жамиятни барпо этиши воситаси сифатида ҳам қаралиши лозим.

Калит сўзлар: Таълим, таълим хизматлари, ҳалқаро таълим стандартлари, инсон капитали, инсон капиталига инвестиция киритиш, таълим тизими ислоҳотлари, келажакка инвестиция, малакали ишчи кучи, ижтимоий ҳаракатчанлик,adolatli va samarali жамият, ҳаёт даражасини ошириши.

Abstract. The article examines the socio-economic essence of the concept of "educational services", as well as their significance in the context of global changes

and development of society. In modern conditions, education is transformed not only in terms of content, but also in terms of the role of educational services as one of the most important factors in the development of human capital. The article focuses on the need to reform the educational system so that it meets the needs of a rapidly changing world, where knowledge and skills are becoming the main resource for economic growth and social mobility. The main conclusions of the article are that for the successful implementation of the III Renaissance strategy it is important to create a system in which educational services will be perceived not only as a means of obtaining knowledge, but also as an important element for improving the social and economic situation in the country, contributing to the creation of a more just and efficient society.

Key words: Education, educational services, international educational standards, human capital, investing in human capital, educational system reforms, investing in the future, skilled labor force, social mobility, fair and efficient society, improving living standards.

Кириш. Сўнгги ўн йилларда “таълим хизматлари” атамаси иқтисодий ва ижтимоий контекстнинг ажралмас қисмига айланди. Таълим – ижтимоий инфратузилманинг муҳим элементи сифатида – фақат билим ва кўникумаларни олиш жараёни эмас, балки аҳамиятли иқтисодий ресурс ҳам ҳисобланади. Глобаллашув шароитида, шунингдек, замонавий ижтимоий ва технологик ўзгаришлар фонунда таълим хизматларининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айниқса, III-Ренессанс стратегиясини легаллаштириш контекстида, бу стратегия таълимга янгича, инновацион ёндашувлар, ижтимоий ҳаракатчанликни ривожлантириш ва маданий алмашинувни кучайтиришни назарда тутган шароитда таълим хизматлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Таълим хизматларини билим ва кўникумаларни таълим муассасалари (мактаблар, университетлар, ўқув марказлари ва бошқалар) томонидан ўқувчиларга

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

етказиш ва уларни шакллантириш жараёни сифатида қараш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий контекстда бундай хизматлар фақат маданий-маърифий вазифани бажарибгина қолмай, балки иқтисодий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади. Улар инсон капиталини шакллантиришга ҳисса кўшади, бу эса иқтисодиёт ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи омилдир.

Таълим хизматларининг асосий қалит хусусиятларини кўриб чиқамиз



(1-расм):

1-расм. Таълим хизматларининг асосий хусусиятлари.

⇒ *Иқтисодий қадрият*: Таълим меҳнат бозорида муҳим ресурс ҳисобланади. Юқори билим ва компетенцияларга эга инсон талабгирроқ бўлади, бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига ва мамлакатнинг иқтисодий ривожига хизмат қиласи.

⇒ *Мавжудлик ва тенглик*: Таълим хизматларининг сифати ахолининг турли қатламлари учун таълимнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Сифатли таълимга бўлган имкониятлар ўртасидаги фарқ ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликка олиб келиши мумкин.

⇒ *Мослашувчанлик ва инновационлик*: Замонавий таълим хизматлари мослашувчан бўлиб, тез ўзгараётган дунёга мослашиши керак. Технологиялардан фойдаланиш, таълимнинг янги усуллари ва ёндашувлари уларнинг долзарблигини таъминлайди ҳамда замон талабларига жавоб беради олиш қобилиятини оширади.

III-Ренессанс шароитида таълим хизматларининг роли. «III-Ренессанс» атамаси – технологияларнинг тезлашган ривожланиши, жамиятнинг интернационаллашуви ва глобаллашуви билан боғлиқ янги тараққиёт босқичини рамзлайди. Бу жараён маданий ва илмий қадриятларнинг қайта тикланишини, шунингдек ахборот ва билим соҳасидаги инқилобни ўз ичига олади. III-Ренессанс шароитида таълим хизматлари нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамият касб этади ва янги тараққиёт парадигмасининг шаклланишида асосий роль ўйнайди.

III-Ренессанс шароитида таълим хизматларининг ролини оширишнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқиш ва ҳар бирини тушунтириш зарур (2-расм):



2-расм. Таълим хизматларининг ролини оширишнинг асосий жиҳатлари.

1. Таълимда инновациялар: Ракамли технологияларни жорий этиш, онлайн-таълим ва масофавий ўқиши таълим хизматлари учун янги имкониятлар очади. Бу ўқувчиларга географик жойлашувидан қатъи назар сифатли таълим олиш имконини беради.

2. Барқарор ривожланиши: III-Ренессансда таълим хизматларининг муҳим жиҳати – барқарор ривожланишга, экологик онгга ва глобал муаммоларни, масалан, иқлим ўзгариши ва ижтимоий нотенгликтин ҳал қилишга хизмат қилувчи кўникмаларни ривожлантиришга эътибор беришдир.

3. Глобаллашув ва маданий хилма-хиллик: Глобаллашув даврида таълим хизматлари мамлакатлар ўртасида маданий алмашинув ва ҳамкорлик воситасига айланади. Таълим стратегиялари маданият ва анъаналарнинг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда, маданиятлараро мулоқот ва тажриба алмашинувини рағбатлантириши керак.

4. Ижтимоий ҳаракатчанлик ва инклюзивлик: Мухим омил – айрим гуруҳлар, жумладан чекланган имкониятга эга бўлган шахслар, этник камчиликлар ва бошқа заиф гуруҳлар учун тўсиқларни камайтирадиган ижтимоий ҳаракатчанликни рағбатлантирувчи таълим тизимини яратишдир.

Хуноса. Ҳозирги шароитда таълим хизматларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти кўпқиррали жараён бўлиб, у нафақат шахсий ривожланишга, балки иқтисодий тараққиётга ҳам хизмат қиласди. Инновациялар, глобаллашув ва барқарор ривожланиш заруряти билан характерланувчи III-Ренессанс шароитида таълим хизматлари энг муҳим стратегик ресурсга айланади. Уларнинг ролини ошириш янги технологияларни жорий этиш, сифатли таълимга кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда инклюзивлик ва ижтимоий ҳаракатчанликни қўллаб-қувватловчи тизимни яратиш билан боғлиқ.

Фақат шундай контекста таълим хизматлари нафақат шахсий ривожланиш, балки глобал тараққиёт даражасида ҳам узок муддатли ўсиш ва барқарорликни таъминлай олади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, 2020 йил 19 майда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2020 йил 7 августда Сенат томонидан маъқулланган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги 158-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақилликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 60-сонли қарори.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

4. Мансурова Музаррара Махсудовна. (2024). Образование и образовательные услуги в Современном Узбекистане. *Miasto Przyszłości*, 49, 1700–1705. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4230>
5. Мансурова М.М. Образовательные услуги и их роль в Новом Узбекистане. https://www.gospodarkainnowacje.pl/index.php /issue_view_32 /article/view/2798